



СИНТАКТИК-СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ БАДИИЙ МАТН ШАКЛЛАНИШИДА ТУТГАН ЎРНИ

Шомуродова Шахло Жаҳоновна,

Самарқанд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси

Калим сўзлар: интеллектуал, лексикология, фонетика, грамматика, эмоционал, синтактик, фонетик, морфологик функционал, контекстуал.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида жадал кечаётган ривожланишлар, илм-фан, техника тараққиёти каби омиллар замирида изланишлар ва интилишлар ётади. Бу борада эртанги кунимиз тараққиёти ёшлар тафаккури, онгу шуури, илмга ва тараққий этишга бўлган интилишлари билан чамбарчас боғлиқ. Шу боисдан илм-фаннинг қайси соҳаси бўлмасин ўз касбини мукамал билишга ҳаракат қилиш келажакда қўлга киритиладиган ютуқлар дебодаси саналади. Шавкат Миромонович Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [1;2] деганда ёшлар олдида нақадар маъсулиятли вазифалар турганлигини англашимиз мумкин бўлади.

Тилшуносликда ифода воситалари ва стилистик восита атамалари мавжуд. Стилистик восита атамасининг мазмун-моҳиятини англаш учун, авваламбор, ифода воситаси нима эканлигини тушуниб олишимиз зарур. Ифода воситалари нутқни эмоционал ёки мантиқан кучайтиришга хизмат қилади ва улар синтактик, фонетик, морфологик каби турларга бўлинади. Мисол учун морфологик ифода воситаларига кичрайтириш, эркалалаш маъносидаги от

ясовчи қўшимчаларни (қизгинам, Валижон, кенжатоё) киритсак, лексик ифода воситаларига кўп маъноли сўзлар, эмоционал маъноли сўзлар ва бошқаларни киритишимиз мумкин. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, тилдаги барча ифода воситалари лексикология, фонетика, грамматика соҳаларининг тадқиқот объекти ҳисобланади. Стилистика ушбу воситаларни уларнинг ҳар хил нутқ услубларида қўлланилиши ва услубий восита сифатида қай тарзда шаклланишини тадқиқ этади. Стилистика тилшуносликнинг бўлаги сифатида иккита кенг қамровли тадқиқот объектига эга ҳисобланади.

Матн ёрдамида синтактик-стилистик воситаларни инглиз тили амалий дарсларида қўллаш назарий жиҳатдан тушунтирилиши мураккаб бўлган синтактик-стилистик воситаларни ўқувчиларга оддий ва осон тарзда тушунтириш имконини яратиб беради. Бунинг учун дарсга тайёргарлик кўриш жараёнида турли бадиий асарлардан олинган парчаларни жамлаган ҳолда машқлар тўплами ишлаб чиқилади. Мавзунинг табиатидан келиб чиққан ҳолда олинган парча ҳажми белгиланади. Бунда алоҳида олинган гаплар ёки асардан парча тарзида ҳам машқлар тузилиши мумкин. Инглиз тили мутахассисларини етиштиришда амалий дарслар инглиз тилида олиб борилганлиги боис, энг аввало, тушунтирилиши лозим бўлган синтактик-стилистик восита тўғрисида назарий маълумот бериб, ундан сўнг ушбу назарий маълумот машқлар ёрдамида мустаҳкамланади.



Услуб — тилнинг инсон фаолиятининг муайян соҳаси билан боғлиқ вазифаларига кўра ажратилиши. Кишилар фаолиятининг барча соҳаларида алоқа қилиш жараёнида тилдаги лексик, фразеологик, грамматик ва фонетик воситаларни танлаш ва ишлатишда бир-бирларидан маълум даражада фарқ қиладилар. Умумхалқ тили доирасида тил воситаларининг бундай танлаб олиниши нутқнинг хилма хил кўринишларининг пайдо бўлишига олиб келади. Нутқ услуги тилнинг вазифаси билан бевосита боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам улар вазифавий (функционал) услуб деб юритилади. Тилшунослик соҳасида охириги йилларда олиб борилаётган фундаментал тадқиқотлар натижалари ҳали бу борада кўплаб амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг мавжудлигини тасдиқламоқда. Сўнгги йилларда когнитив тилшунослик, қиёсий тилшунослик, прагмалингвистика каби йўналишларда республикамызда бир қатор тадқиқот ишлари олиб борилди ва муайян ютуқларга эришилди.

Нутқнинг оғзаки шакли хусусиятларига асосланган синтактик-стилистик воситалар, структурали маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланган синтактик-стилистик воситаларнинг матн шаклланишида тутган аҳамиятини изчил тарзда тадқиқ этиш каби масалалар тилнинг функционал услублари шаклланишида стилистик воситаларнинг тутган ўрнини таҳлил қилиш, бадиий матнда асосий мантиқий маъно ва контекстуал маъноларнинг юзага чиқишида синтактик ифода воситаларининг аҳамиятини асослаб бериш назарий жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Чунки адабиётимизнинг етук дурдона асарларини чет тилларга таржима қилиш жараёнида бу каби муаммолар билан юзма-юз келган таржимон турли хил стилистик воситалар, тасвирий ифода воситаларини амалда моҳирона қўллаб билиши асарнинг бошқа миллат вакиллари юрагидан жой олишида муҳим омил саналади. Матн ва турли структуравий

маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда бадиий матн ва контекстуал маъно моҳиятининг тўлақонли очиб берилишида синтактик-стилистик воситаларнинг тутган ўрнини амалий жиҳатдан ўрганиб, инглиз ва ўзбек тиллари доирасида қиёслаш борасида шу кунга қадар олиб борилган ишлар етарли даражада ўрганилиб чиқилган деб айта олмаимиз.

Тилнинг функционал услублари шаклланишида ифода ва стилистик воситаларнинг тутган ўрнини таҳлил қилиш, бадиий матнда асосий мантиқий маъно ва контекстуал маъноларнинг юзага чиқишида синтактик ифода воситаларининг аҳамиятини қиёсий жиҳатдан тўлақонли таҳлилини ўтказиш вазифаси ўзбек тилшунослигида тўлақонли амалга оширилмаган. Бу борада ўзбек тилшуносларининг инглиз тили стилистикасини ўрганишга қаратилган ишларида синтактик-стилистик воситалар хусусида умумий маълумотлар бериб ўтилган. Бу каби изланишлар одатда умумий характерга эга бўлиб, айнан синтактик-стилистик воситалар ва матн муаммоси алоҳида тадқиқ этилмаган. Нутқнинг оғзаки шакли хусусиятларига асосланган синтактик-стилистик воситалар, боғловчилар ишлатилишига асосланган синтактик воситалар, структурали маъноларнинг ўзаро муносабатига асосланган синтактик воситаларни тадқиқ этиш жараёнида бадиий матн структурасини эътиборга олмасдан иложимиз йўқ. Синтактик стилистик воситаларни қиёсий жиҳатдан мукамал ўрганиш уларнинг бадиий матн таркибида тутган ўрнини белгилаб олиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Ушбу жараёнда синтактик-стилистик воситаларнинг умумий хусусиятларини таҳлил қилиш, уларни қиёсий жиҳатдан (мисол учун, инглиз ва ўзбек тиллари доирасида) ўрганиб чиқиш, бадиий матн таркибида синтактик ифода воситалари ва стилистик воситаларнинг тутган ўрнини назарий жиҳатдан таҳлил этиш, уларнинг



коммуникатив функцияларини изчил тарзда ўрганиш каби вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади. Чунки матн ва турли таркибий маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда бадиий матн ва контекстуал маъно-моҳиятининг тўлақонли очиб берилишида синтактик-стилистик воситаларнинг тутган ўрнини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиб чиқиш, иккита тил доирасида қиёсий таҳлилини ўтказиш матн ва қиёсий тилшунослик нуқтаи назаридан тил тараққиёти қонуниятларининг айрим жиҳатларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, гап қурилишидаги ўзига хос махсус қўлланишларда алоҳида гап шакллари юзага келтирувчи синтактик-стилистик воситалар эмоция ифодалаш учун хизмат қилади ҳамда синтактик-стилистик усул вужудга келиши учун норма сифатида қабул қилинган мавжуд морфологик, синтактик ва стилистик қоидалардан чекиниш лозим бўлади. Бунинг натижасида структурали маънолар лексик ҳамда матний (контекстуал) маъноларга таъсир этиши мумкин бўлади ва уларнинг таркибий элементлари мустақил маънога эга бўлганлиги боис,

улар грамматик ва таркибий маъноларни вужудга келтиради. Шунинг учун аксарият ҳолларда синтактик-стилистик воситалар таркибидаги элементлар мавжуд мазмунни белгилаб беради.

Алоҳида қайд этиш лозим бўлган жиҳат бу синтактик-стилистик таъсир воситалари ўз моҳиятига кўра оғзаки нутқ хусусиятларига яқин туради ва улар оғзаки нутқ кўринишидан ёзма нутқ кўринишига ўтганда матн таркибида умумлашади ва стилистик восита ҳолатини эгаллайди.

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, синтактик ифода воситалари ва стилистик воситаларни тадқиқ этиш, уларни гуруҳларга бўлиб ўрганиш стилистикада узвий чамбарчас алоқаларнинг йўлга қўйилишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, матн ва турли таркибий маъноларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда бадиий матн ва контекстуал маъно-моҳиятининг тўлақонли очиб берилишида синтактик-стилистик воситаларнинг тутган ўрнини назарий жиҳатдан ўрганиб чиқиш тилшуносликда матн таҳлили бўйича мавжуд айрим мураккаб тушунчаларни соддалаштириш имконини беради.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // Олий мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи., Т., 2016й 15 декабрь.
2. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. – Тошкент: Фан, 2007.– 274б.
3. Ладыгин Ю.А. Информативная роль коннотативных значений в прозаическом художественном тексте // Филологические науки.– М., 2000. -№2. – С. 75-84.
4. Лузина Л.Г. Проблемы стилистики и лингвопрагматической интерпретации // Прагматика и семантика : Сб. науч.- аналит. обзоров.- М.: ИНИОН, 1991. – С. 67-81.

Shomurodova Sh. The role of syntactical stylistic devices in the formation of literary text. The role of syntactical stylistic devices in the formation of literary texts and contextual meaning is analyzed from theoretical point of view.

Шомуродова Ш. Роль синтаксических стилистических приёмов в оформлении художественного текста. В статье анализируется роль синтаксических стилистических приёмов в формировании художественного текста и его контекстуального значение.